



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

Профессор М.М.Маматкулов ва доцент П.Н.Ғуломовлар
таваллудининг 90 йиллигига бағишланади

ФУНДАМЕНТАЛ ВА АМАЛИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАР

Республика илмий-амалий конференцияси
Тошкент, 14-15 октябрь 2022 йил



ТОШКЕНТ - 2022

томонидан ҳар икки йилда бир марта йўлланма берилади. Вилоятда қатор болалар оромгоҳлари мавжуд.

Жиззах вилоят ўрмон хўжалиги ҳудудлари ҳамда сойлардаги хушманзара шаршара ва булоқлари ҳам табиатнинг бизга берган неъматлари ҳисобланади. Шунингдек, Зомин ўрмон хўжалигидаги ўрмонлар (бодомзор, арчазор, бутазорлар) ҳамда Зомин тоғ ўрмон қўриқхонасининг ғарбий қисмидаги сойлари ва оқар сувлар натижасида ҳосил бўлган рельеф шакллари, ўзига хос морена тошлари ва кўплаб ғорларини ҳақиқий табиий музейлари дейиш мумкин. Зомин Миллий боғи ҳудудида жойлашган илмий текшириш институтнинг Кўлсой таянч пунктини, Зомин санаторийсини ва кўплаб дам олиш масканлари фаолиятини рекреацион ва туристик баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Жиззах вилоятининг рекреация имкониятларни баҳолашда аввало, вилоят ҳудудидаги табиий ёдгорликлар, чашмалар, ғорлар, қадимий чинорлар, сардобалар, дам олиш ҳамда соғломлаштириш рекреация масканларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Вилоятда мавжуд шифобахш ва тиббиёт ҳамда бошқа соҳаларда кенг фойдаланиладиган булоқ сувлари ва балчиклар аҳоли саломатлигини тиклаш, соғломлаштириш ва дам олиш учун қулай шароит яратади, рекреация ва туризмнинг аҳамиятини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
3. Ибадуллаев Н.Э. Ўзбекистоннинг туристик ресурслари. Маърузалар курси. – Самарқанд, СамИСИ, 2008.
4. Мироненко Н.С., Тведохлебов И.Т. “Рекреационная география” -М. МГУ 1981.
5. Махкамов Э.Ф. Фарғона вилояти табиатидан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланишнинг географик асослари. География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферат, Самарқанд, 2022
6. Усманов М.Р. Туризм географияси: ўқув қўлланма. - Самарқанд, “СамДУ”, 2020. 45 б.
7. Komilova N.K., Usmanov M.R., Safarova N.I., Matchanova A.E., Murtazaeva G.I. Tourist destination as an object of research of social and economic geography // Psychology and education (2021) 58(1): 2058-2067. ISSN: 00333077.
8. Mirzayev M.A., Aliyeva M.T. Turizm asoslari. -Т.: O'zbekiston, 2011. 45-47 б

Турсунов Х.Т. Худойбердиева Д.А.
Чирчиқ давлат педагогика университети

ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистондаги табиий ёдгорликлар, улардан рекреацион ва туристик мақсадларда фойдаланиш, келажак авлодлар учун сақлаб қолиш масалалари кўриб чиқилган. Сурхондарё вилоятидаги табиат ёдгорликларини ўрганишга алоҳида эътибор ажратилган. Табиий ёдгорликлардан рекреация, туризмда оптимал фойдаланиш ва муҳофазасини таъминлаш бўйича айрим тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: табиат ёдгорлиги, қўриқхона, миллий боғ, биосфера резервати, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, рекреация, туризм, табиий ва маданий мерос.

SOME ISSUES OF PROTECTION AND USING OF NATURAL MONUMENTS

Annotation: natural monuments in Uzbekistan, using for recreational and touristic purposes, preservation for future generations are considered. Particular attention is paid to the study of natural monuments in Surkhondaryo region. Some recommendations have been made to ensure the optimal using of natural monuments in recreation, tourism and their protection.

Key words: natural monument, reserve, natural park, biosphere reserve, natural protected natural areas, recreation, tourism, natural and cultural heritage.

Қириш. Республикамиз ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд деб ҳисобланади. Улар юртимиздаги қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, Миллий боғлар, биосфера резерватларида ва бошқа махсус қўриқланмайдиган ҳудудларда жойлашгандир. Хали кашф қилинмаган, илмий ўрганилмаган, махсус ваколатли орган томонидан табиат ёдгорлиги мақоми

берилмаган объектлар ҳам мавжуддир. Маълумки, табиат ёдгорликлари инсонларга эстетик завқ берадиган, рекреацион, туристик аҳамиятга эга бўлган объектлар ҳисобланади ва улардан оқилона фойдаланиш ва келажак авлодлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда муҳофаза қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Табиат ёдгорликларини масъул мутассадди ташкилотлар томонидан ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш ва улардан оптимал фойдаланиш муаммолари бўйича аҳоли ва илмий жамоатчиликни хабардорлигини оширишнинг самарадор йўллари ишлаб чиқиш зарурати мавжуддир.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Табиат ёдгорликлари минг, миллион йиллар давомида юртимизнинг турли ҳудудларида шаклланган. Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли жонсиз ва жонли табиат объектларни келгуси авлодларимиз учун ҳам сақлаб қолиш инсоний бурчимиз ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, рекреация ва айниқса туризмни ривожлантириш табиат ёдгорликларига зарар етказмоқда ва улардан оптимал фойдаланиш ҳамда муҳофазасини таъминлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Мақсад ва вазифалари. Илмий ишимизнинг мақсади эълон қилинган маълумотлар асосида республикаимиз ва хусусан Сурхондарё вилоятида жойлашган табиат ёдгорликлари бўйича мавжуд илмий маълумотларни ўрганиш, қисқача таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосаларни баён қилиш ҳисобланади. Биринчи босқичда бажарилаётган илмий иш мақсадларига етишиш учун қуйидаги вазифалар бажарилган:

1. Адабиётлар ва интернет материалларидан табиат ёдгорликлари бўйича тегишли материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш;
2. Республикаимиз ва Сурхондарё вилоятидаги табиий ёдгорликлар бўйича мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш;
3. Табиий ёдгорликлардан рекреация, туризмда оптимал фойдаланиш ва муҳофазасини таъминлаш бўйича айрим тавсиялар бериш.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ўзбекистон- ранг баранг ландшафтлар, чўл, адир, тоғлар, дарё, кўллардан иборат, ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга бўлган мафтункор ўлка ҳисобланади. Ўзбекистонни барқарор экологик ривожлантириш мақсадларида муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдонини ошириш, янги қўриқхона, биосфера резерватлари ва бошқаларни ташкил этиш кўламини оширишга катта эътибор қаратилаёпти. Бу фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш учун “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган[1].

Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдават аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат қўриқхоналари ҳисобланади[6]. Ўзбекистон Республикасида 6 та давлат қўриқхоналари мавжуд(1-расм).

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳисобланади.

Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат табиат ёдгорликлари ҳисобланади. Уларнинг майдони бир неча ўнлаб гектаргача бўлиши мумкин. Алоҳида жонли ва жонсиз, яқка жойлашган табиат ёдгорликлари ҳам мавжуддир. Ўзбекистонда 11та давлат табиат ёдгорликлари қайд қилинган [6].

Табиатнинг ноёб, диққатга сазовор объектлари-табиат ёдгорликларига ғорлар, ажойиб шакли қоялар, даралар, аҳамиятли геологик қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, ўзига хос булоқлар, катта ёшли дарахтлар ва бошқалар киритилади. Бойсундаги Чорчинор, Тешиктош ғори, Зараутсой ва Хўжакентдаги қояга чизилган расмлар, Амир Темур ғори, Қирққиз, Одамтош, “Динозаврлар жанги” қоялари ва бошқалар шулар жумласидандир[4,6].

I-тоифа МЭТХ		II-тоифа МЭТХ		IV-тоифа МЭТХ		V-тоифа МЭТХ	
Давлат қўриқхоналари (га)		Мажмуа (ландшафт) бўғиртма қўриқхоналари		Табиат ёдгорликлари (га)		Бўғиртма қўриқхоналари (га)	
1. Зомин	26840	“Сайғачий” МБК	628300	1. Варданзи	124	1. Арнасой	63300
2. Нурота	17752	Жами	628300	2. Мингбулок	1000	2. Денгизкўл	50000
3. Хисор	78986	III-тоифа МЭТХ		3. Чуст	96	3. Каракир	30000
5. Кизилкум	10311	Табиат боғлари (га)		4. Ёзёвон чўли	1962,9	4. Судюче	50000
6. Сурхон	23802,3	1. Зомин миллий табиат боғи	24110	5. Акбаробод	39,5	5. Муборак	264469
7. Чотқол биосфера	24706	2. Уғам-Чотқол давлат миллий табиат боғи	506,941	6. Зилха	22,2	6. Октау	15420
Жами	182397	3. Зарафшон миллий табиат боғи	2426,4	7. Ёстонбува	8,5	7. Карнабчуль	25000
		4. Хоразм миллий табиат боғи	21687,5	8. Янгибозор	470	8. Қўшрабод	16500
		5. Китоб геология миллий табиат боғи	3938	9. Пайкент	30	9. Нуробод	40000
		Жами	559102,7	10. Варахша	7	10. Қумсултон	4900
				11. Урунғоч	43	11. Хадича	11300
				Жами	3803,1	12. Омонкутон	1515
Миллий боғ (га)		Биосфера резерватлари (га)		Ихтисослаштирилган питомник		Жами	
Дўрмон	32,4	1. Қуйи Амударё биосфера резервати	68717,8	Жайрон питомниги		16522	
Жами	32,4	2. Уғам-Чотқол биосфера резервати	42952,81	Жами		16522	
		Жами	111670,61				

1-расм. Ўзбекистондаги Муҳофаза этиладиган ҳудудлар тоифалари билан[6]

Ўзбекистонда 1991 йилдан кейин йиллар давомида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни моддий аҳволи оғирлашган, молиявий таъминот камайиб кетганлиги сабабли қўриқланадиган ҳудудлар ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишга эътибор камайиб кетган. Сўнгги йилларда бу масалага эътибор кучайди. Бюджет маблағлари ва хомийлар молиявий ёрдамлари ҳисобига катта ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтга келиб давлат табиат ёдгорликларига ошиб бораётган салбий таъсир кучаймоқда. Уюшмаган маҳаллий туристлар оқимининг кўпайиши ҳисобига Тошкент вилоятида жойлашган Урунғач давлат табиат ёдгорлиги кучли антропоген босим остида қолди. Жамоатчилик-экологик нодавлат ташкилотлари, ўрмон хўжалиги ходимлари иштирокида муаммони ижобий ҳал қилишга эришилди, лекин муаммолар бор. Фарғона вилоятида жойлашган Ёзёвон табиат ёдгорлиги ҳудудида, қонунга мувофиқ, муҳофаза остидаги объект бўлишига қарамай балиқчиликни ривожлантириш учун жойлар ажратиб берилди, охириги 36 йил ичида ҳудуди ўн мартагача қисқарди. Бундан ташқари қурилаётган объектлар учун кўплаб қум олиними режалари жамоатчилик норозилигига сабаб бўлди. Ноёб ландшафтлар, эндемик ҳайвонлар ва ўсимликлар маскани бўлган Ёзёвон табиат ёдгорлиги дахлсизлигини таъминлаш зарурдир.

Ўрганилган маълумотлар шуни кўрсатдики, I-II тоифа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги табиат ёдгорликларини асралиши кафолатланган. Лекин бу ҳудудлардаги табиат ёдгорликлари, уларни тизимли рўйхати бўйича маълумотлар очик манбаларда аниқланмади. Биз юқорида таъкидлаган 400 дан ортиқ табиат ёдгорликларини тизимли рўйхатини яратиш уларни ўрганиш, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда мамлакатимизда рекреация ва туризмни жадал ривожлантириш бўйича кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Экологик туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Яқин йилларда республикада ташқи туристлар сонини 9-10 млн.дан ошириш кутилмоқда. Ички туристлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга адекват равишда, шу жумладан, табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишга ҳам эътиборни кучайтириш зарурдир. Бунда туристлар энг кўп келади табиат ёдгорликларда муҳофаза зонасини ажратиш, экологик сўқмоқлар ташкил қилиш диққатга сазовордир. Туристлар сонини мавсум бўйича ҳисоблаб, келувчиларнинг объектларга зарар етказмайдиган оптимал босими кўрсаткичларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Сурхондарё вилояти-бу ажойиб табиат, чуқур ғорлар ва ёрқин контрастлар ўлкаси. Ландшафтнинг шу қадар тез ўзгаришини бошқа ҳеч бир вилоятда учратмайсиз. Сурхондарё-Ўзбекистоннинг жанубий ўлкаси, у ўзининг қулай географик ўрни ва табиий шароити билан қадимдан одамларни ўзига жалб қилиб келган[2]. Бу вилоятда ноёб табиат ёдгорликлари бор ва уларни кашф этиш давом этмоқда. Вилоят ҳокимлигида “Сурхондарё вилоятининг туристик

йўналишга киритилган тарихий-меъморий, археологик ва экологик объектлари ҳақида маълумот” деган рўйхатга 75 та объект киритилган. Рўйхатда табиат ёдгорликлари, зиёратгоҳ табиат ёдгорликлари, шифобахш булаклар- 13 та объект ажратилди. Хўжа ғурғур ота ғори, Хўжайкон туз ғори, Хўжайпоқ-табобат зиёратгоҳ маскани(ғори), Мачай ғори, Сангардак шаршараси, Хамкон кўли, Сайроб чинори, Хўжамайхона зиёратгоҳи, Зараутсой қоятош суратлари, Учқизил кўли, Қорақамар ғори, Тешиктош ғори, Омонхона зиёратгоҳи- шифо(ғордан чиқадиган булоқ суви) маскани. Аслини олганда рўйхатдаги барча объектлар табиий ва маданий мерос объектларига киради. Табиий ва маданий мерос объектларини ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалаларини ижобий ҳал этиш учун олий ўқув юртлари тегишли география, туризм мутахассисликлари учун ўқув курсини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса. Мақолада табиат ёдгорликларини ўрганиш тарихи, аҳамияти, улардан оптимал фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилди. Шуни таъкидлаш лозимки, мавзунини очиб бериш учун маълумотлар етарли эмас ва қўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Бу масалаларни ўрганиш нафақат жамоатчилик, балки мутахассис-экологлар учун ҳам долзарб ҳисобланади. Табиат ёдгорликлари бўйича маълумотлар асосан туристик сайтларда қайд қилинган. Давлат экология қўмитаси, Геология давлат қўмитаси ва бошқа мутассади ташкилотлар сайтларида ушбу масала бўйича маълумотлар етарли эмас. Табиий ёдгорликлар бўйича турли мутахассислар иштирокида тизимли рўйхат ишлаб чиқилиши ва биргаликда улардан фойдаланиш ва муҳофаза чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши зарурдир. Олий ўқув юртларида табиий ва маданий меросдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ўқув курслари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Қонунчиликка зарур ўзгартишлар киритиш, давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни таъминлаш учун тоифаларини ўзгартириш уларни ҳзирги ва келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни., 03.12.2004 йилдаги 710-II-сон.-Lex.uz
2. Сурхондарё вилоятининг туристик йўналишига киритилган тарихий-меъморий, археологик ва экологик объектлари ҳақида маълумот. 2021.,-75 бет
3. Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат! uzbekistan.travel
4. Хасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси.Т.: “Ўқитувчи”. 2007.-160 б.
5. Языванские пески продолжают разбирать под сельхоздеятельность. Почему важно это остановить?- Газета.уз., 22 июня 2020 года.
6. Uznature.uz

Nazarov M.G., Abdullayev S.I., Nurmatov N.E.

Qarshi davlat universiteti

HOZIRGI LANDSHAFTLAR VA ULARNI TASNIFLASH MASALARI

Annotatsiya: *inson faoliyatining tabiatga ta'siri tarixiy davrlar davomida kuchayib borgan. Bu ta'sir insoniyat tarixida tabiatga inson ta'sirining misli ko'rilmagan darajada keskin kuchayishi fan - texnika taraqqiyoti bilan bog'liq. Bunday sharoitlarida insonning tabiatga ta'siri ulkan miqyoslarga va intensivlikka ega bo'ldi. Shu tufayli hozirgi paytda sayyoramizda landshaftlarning murakkab tuzilmasi shakllandi va ular tabiiy va o'zgargan landshaftlarning majmuasini hosil qiladi. Hozirgi landshaftlarni tasniflash ulardan xo'jalikda foydalanishni optimallashtirish maqsadlarida landshaft kartalarini tuzish muhim amaliy ahamiyatga ega.*

Kalit so'zlar: *landshaft, antropogen omil, hozirgi landshaft, tabiiy kichik sistema, xo'jalik kichik sistema, informasion sistema, tabiiy landshaft, tabiiy-antropogen landshaft, antropogen langshaft.*

MODERN LANDSCAPES AND QUESTIONS OF THEIR CLASSIFICATION

Abstract: *the influence of human activity has intensified in the historical period. Especially during the period of scientific and technological progress, this influence increased in scale and intensity. At present, a complex structure of landscape has formed on our planet and they form a complex of natural landscapes and landscape transformed by human productive activity. The classification of modern landscapes in order to optimize their economic use is of great scientific and practical importance of compiling landscape maps.*

Keywords: *landscape, anthropogenic factor, modern landscape, natural subsystem, economic subsystem, information subsystem, natural-anthropogenic landscape, anthropogenic landscape.*

МУНДАРИЖА

ЯЛПИ МАЖЛИС

Ҳикматов Ф.Х., Магдиев Х.Н., Эрлапасов Н.Б. Ўзбекистон Миллий атласи: таркибий тузилиши ва мазмуни.....	5
Абдуназаров У.К. Профессор Мурод Маматкуловнинг ижодидан бир саҳифа.....	10
Ҳикматов Ф.Х. География фани фидойиси.....	12
Ballieva R., Reyimova G., Tohibaeva N. P.N.Gʻulomov Oʻzbekistonda tabiatdan foydalanishning geografik asoslari fanining asoschisi.....	13
Миракмалов М.Т., Абдуназаров Ў.Қ. Таниқли географ, энциклопедист олим.....	15
Сабитова Н.И. Памяти профессора М.М.Маматкулова.....	17
Хакимов К.М., Норматов Д.М. Камолов М.Н. П.Н.Ғуломов асарларида топонимлар классификациясига оид айрим мулоҳазалар	17
Ибрагимова Р.А., Ибраимова А.А. Мурод Маматкулов - Ўрта Осиёнинг энг йирик қарстшунос олими.....	20
Эгамбердиев А., Уврайимов С.Т., Носиров Я.С. Ўзбекистон география жамиятининг ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райхон Беруний номидаги орденини жорий этиш ҳақида.....	23

1-СЕКЦИЯ. ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ҒОЙДАЛАНИШ

Абдулқосимов А., Улуғмуродов Э.Б. Қишлоқ хўжалиги юритишда табиатдан мувозанатлашган ҳолда ғойдаланиш.....	26
Сафаров Э.Дж., Хакимов К.А., Боймуродов Д.Ў. Сурилма жараёнларининг ривожланишига иқлим ўзгаришининг таъсири (Чорвоқ эркин туристик зонаси мисолида).....	28
Абдуғаниев О.И. Экологик йўлақларнинг аҳамияти ва самарадорликни баҳолаш усуллари.....	32
Abbosov S.B., Jurayev J.S., Orziyeva E.B. Effect of groundwater level on desertification processes in Central Zharafshan landscapes.....	35
Нигматов А.Н., Матчанов О.Ж., Матчанов М.Ж. Сув ҳавзаларини таснифлаш ва таърифлаш тажрибаси.....	38
Аллаёров Р.Х. Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди ландшафтларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар.....	41
Сабитова Н.И., Белялова Л.С. Влияние сельскохозяйственной деятельности на экзогенные процессы в бассейне реки Чирчик.....	44
Шомуродова Ш.Ғ. Оқтош дам олиш зонаси ва унинг туристик жиҳатлари.....	47
Ғайзуллаев М.М. Доривор ўсимликларни ўрганишнинг географик жиҳатлари.....	50
Боймуродов Д.Ў., Сафаров Э.Дж. Ҳисор тизмасидаги қарст ғорларининг рекреацион имкониятларидан ғойдаланишда хориж тажрибасини қўллаш.....	52
Сабитов Т.Ю. Анализ влияния изменений климатической обстановки в Узбекистане на состояние оледенения и высокогорных озёр.....	55
Ахмадқулов С.Р. Жиззах вилояти рекреация ресурслари.....	57
Турсунов Х.Т. Худойбердиева Д.А. Табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан ғойдаланишнинг айрим масалалари.....	61
Nazarov M.G., Abdullayev S.I., Nurmatov N.E. Hozirgi landshaftlar va ularni tasniflash masalari.....	64
Холдорова Г.М. Мирзачўл табиий географик районида ер ресурсларидан оқилон ғойдаланиш масалалари.....	67
Ходжаева Г.А. Осуществление государственного контроля за экологическим состоянием атмосферного воздуха в городе Ташкенте.....	70
Эшқувватов Б.Б., Шарипова М.З. Ландшафт комплексларини хўжалик мақсадларида районлаштириш ва микрозонлаштиришда замонавий инновацион ёндашувлар.....	72